



## МЕҲНАТГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ КУРИШДА МУТАХАССИСНИНГ ИШТИРОКИ

Маткаримова Сарбиназ Даулетбаевна

Ҳуқуқ магистри, «QQAVTOTEKXIZMET» МЧЖ юрисконсульты

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8116475>

### ARTICLE INFO

Received: 23<sup>th</sup> June 2023

Accepted: 29<sup>th</sup> June 2023

Online: 30<sup>th</sup> June 2023

### KEY WORDS

Фуқаролик иши, меҳнатга оид низолар, эксперт, мутахассис, гувоҳ, таржимон, суд, хулоса.

### ABSTRACT

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш,adolatli меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга. Аммо, амалиётда шахснинг меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши кўп учрайдиган ҳолатлардан ҳисобланади. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар фуқаролик судлари томонидан кўриладиган ишларнинг кўпчилигини ташкил қиласди. Ушбу низоларни кўриб чиқишида судлар томонидан кўп ҳолатларда касаба уюшмалари, меҳнат инспекциялари вакиллари мутахассис сифатида ишга жалб қилинади. Ушбу мақолада айнан меҳнатга доир фуқаролик ишларини кўриб чиқишида мутахассис иштирокининг ҳуқуқий асослари кўриб чиқиласди.

Судлар фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этиш орқали юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиласди, шу орқали одил судловни амалга оширадилар. Суд амалиётида фуқаролик ишлар иқтисодий ва жиноят ишларига қараганда кўпчиликни ташкил қиласди. Судта ишларни кўриш ва ҳал қилиш тартиби фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги процессуал қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Конунчиликда ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар тушунчалари бор. Бу икки тоифа шахсларнинг бир-биридан фарқи шундаки, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқларидан фойдалана олмайди. Яъни, ушбу шахслар ишнинг ҳал этилишидан моддий манфаатдор бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 54-моддасига асосан гувоҳлар, эксперталар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, ижро иши юритиш холислари ва сақловчилари одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ҳисобланади.

ФПК нинг 61-моддасига асосан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан кўмаклашиш ҳамда илмий-техника



воситаларини қўллашда ёрдам бериш мақсадида фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва кўникмага эга бўлган, ишнинг яқунидан манфаатдор бўлмаган вояга етган шахс суд мажлисида ёки процессуал ҳаракатларда иштирок этиш учун суд томонидан мутахассис сифатида жалб этилиши мумкин. Мутахассис этиб тайнланган шахс суднинг чақиравига биноан судга келиши, суд муҳокамасида махсус билим, кўникмалар ва илмий-техникавий воситалардан фойдаланган ҳолда иштирок этиши, оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар бериши мумкин ва албатта мутахассис томонидан берилган тушунтиришлар суд баённомасига киритилади.

ФПК нинг 26-моддасига асосан меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган низолар бўйича ишлар, агар тарафларнинг бири фуқаро бўлса фуқаролик судлари томонидан кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси нормаларига асосан қўйидаги якка тартибдаги меҳнат низолари бевосита судда кўриб чиқилади:

- 1) агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари бўйича комиссия тузилмаган бўлса;
- 2) меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар, ишга тиклаш тўғрисидаги, меҳнат шартномасини бекор қилиш санасини ва асослари таърифини ўзgartириш ҳақидаги, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган иш бажарилган вақт учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги;
- 3) ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги ёки касб касаллиги туфайли етказилган зиённинг ўрнини ёхуд ходимнинг мол-мулкига етказилган моддий заарнинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш ҳақидаги;
- 4) иш берувчи томонидан ходимга етказилган маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги;
- 5) ишга қабул қилиш рад этилганлиги ҳақидаги;
- 6) иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда олдиндан ҳал этилган масалалар юзасидан;
- 7) ходимлар ва иш берувчи жисмоний шахслар ўртасида юзага келадиган;
- 8) ўзини меҳнат қилиш ва машғулотлар соҳасида камситилишга учраган деб ҳисоблаётган шахсларнинг;
- 9) ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий заарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги.

Лекин, нимагадир айнан ишга тиклаш низоларида баъзи судьялар касаба уюшмалари ва меҳнат инспекциялари вакилларини мутахассис сифатида ишга жалб қиласидилар. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасида касаба уюшмаларининг инспекторлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида судларда ва меҳнат низоларини кўриб чиқадиган бошқа органларда ходимларнинг ижтимоий-иктисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз ташаббусига кўра ёхуд ходимларнинг илтимосига биноан вакиллар сифатида иштирок этиши белгиланган. Яъни, бу ерда касаба уюшмалари инспекторларининг фақат гина вакил сифатида судта иштирок этиши тўғрисида гап кетмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 31.12.2018 йилги 1066-сон қарорининг З-иловаси ҳисобланган «Ўзбекистон Республикаси Бантлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси тўғрисида»ги Низомининг 8-бандига асосан Инспекция меҳнат ва меҳнатни муҳофаза



қилиш түғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига доир даъволар, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида ходимлар ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш масалалари юзасидан судда эксперtlар сифатида иштирок этиши белгиланган. Яъни, менинг фикримча ушбу нормада Инспекция ходимларининг судларда айнан меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасига оид ишларда иштирок этиши назарда тутилган.

Юқорида айтилганидек суд процессида мутахассис сифатида фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида маҳсус билим ва кўникмага эга бўлган шахслар гина жалб қилинар экан, ишга тиклаш ёки меҳнат низоларида кимлар мутахассис бўла олади? Албатта, биринчи навбатда меҳнат ҳуқуқи соҳаси вакиллари, яъни юридик олийгоҳларда меҳнат ҳуқуқи фанидан таълим олган ва мазкур фан бўйича муайян бир малака ёки тажрибага эга ҳуқуқшунослар мутахассис бўлиши мумкин. Диққатга сазовар томони, ўша ҳуқуқшунос энг аввало ўша судьянинг ўзи. Ахир, судья бу рутбага келишдан аввал юридик олийгоҳда меҳнат ҳуқуқини ўқиган, ундан сўнг қанчадир вақт меҳнат ҳуқуқи соҳасида ҳам тажриба олган ва асосийси, Судьялар олий мактабида ҳам бир йил давомида бошқа фанлар қатори меҳнат ҳуқуқи бўйича билим олган. Тушуняпсизми масала нимада эканини? Яъни, меҳнатга доир низоларни суднинг ўзи ҳам ҳал қила олади, бу низо судьядан маҳсус билим талаб этмайди ва шу сабабли ҳам бунинг учун мутахассис шарт эмас. Аслида мана шундай бўлиши керак деб ҳисоблайман.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиман, ишга тиклаш ёки меҳнат низоларини кўриш даврида судья мутахассис жалб қиляптими, бу ўз навбатида у судьяликка унчалик муносиб шахс эмас эканлигидан далолат беради.

## References:

1. Мамасиддиков М.М. Фуқаролик ишларининг судга тааллуқлилиги ва судловга тааллуқлилик масалалари (илмий-амалий қўлланма).-Тошкент, ЮМОМ нашриёти, 2013й.- 64 бет.
2. Марипова С.А. Гражданский процесс.-Ташкент: ТГЮИ, 2011.-560 с.
3. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи (саволлар ва жавоблар). Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТДЮИ 2012. – 300 б.
4. Мамасиддиков М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Умумий қисм. –Т.: ТДЮИ, 2012. – 516 б.
5. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари // М.М. Мамасиддиков ва бошқ. Илмий-амалий қўлланма. – Тошкент. Бош прокуратура академияси Таҳририй-нашриёт бўлими. 2020. – 152 б.